



МАЪНАВИЙ МЕРОС

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти Давлат музейи Адабиёт
бўлими мудираси: Нигора Муминова.*

***“Шарқ аллома ва мутафаккирларининг тенгсиз асарлари ва илмий
мероси фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун бир
инсониятнинг маънавий мулки...”***

Ислом Каримов

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти

Тарихий хотира миллатнинг, халқнинг ўз ўтмишини билиши, бу ўтмишни таҳлил қилиш бўлиб, ўтган воқеаларни асл моҳиятини ва тарихдаги ўрнини асослаб беришни талаб қилади. Ўз ўтмишини билмаган миллат миллий ғурур хиссини теран англамайди. Шундан маълумки, миллатнинг тарихи, хотираси, қанчалик бой бўлса, миллат шунчалик уюшган, тадбиркор, ҳаракатчан ва ҳамжихат бўлади.

Тарихий хотирани тиклашнинг кўп йўллари бўлиб, улар орасида музейларнинг ўрни ва роли каттадир. Музейлар маданий-маърифий муассаса сифатида омманинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш ва уларни маънавий камолотга етказишнинг энг етакчи воситаларидан ҳисобланади. Шу ўринда Наманган вилоят тарихи ва маданияти Давлат музейи Адабиёт ва қўлёзмалар бўлимида ҳам кўплаб манба ва маълумотлар тўпланган бўлиб, улар ёш авлодни миллий ғурур, ифтихор, қадриятларимизга, моддий-маданий меросимизга муҳаббат руҳида тарбиялашда кўмак беради.

Муҳтарам биринчи Президентимиз Ислом Каримов 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзuidaги халқаро конференциянинг очиилши маросимида: “Тарихни билмаган киши ҳар қадамда хатога йўл қўяди, ўз тарихи билан фахрланмаган халқ эса ўз келажагини тасаввур



килолмайди”дея бу муҳим ҳақиқатга барчамизнинг эътиборимизни яна бир бор қаратган эдилар.

Яратганга минг бора шукрки, мана 34 йилдан буён қадим Ўзбекистон юртида мустақиллик ҳукм сурмоқда, ўзбек халқи қаддини баланд кўтариб, жаҳон ҳамжамиятидаги ўз ўрнини мустаҳкам эгалламоқда.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимизда аждоқларимизнинг қадриятлари ҳам қайтариб берилди. Маънавий эврилиш жараёнлари унга ўз тарихи, тили, дини билан биргаликда маънавиятини ҳам қайтариб берди.

Улуғ алломаларимиз, буюк мутафаккирларимиз томонидан яратилган бой маънавий меросимиз бўлган илмий, бадиий асарларни ўқиш, ўрганиш, дунёга танитиш имкониятилари яратилди.

Бу борадаги ишлар ҳозирги вақтда муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг қарор, фармон ташаббуслари билан кенг кулоч ёйиб, амалга оширилмоқда. Бунга яққол мисол Тошкентда **Ислом** цивилизацияси марказини ташкил қилишга киришилди ва яқин кунларда очилиш арафасида.

Алломаларимизнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш, қадимий кўлёзма манбаларини сақлаш, тадқиқ қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Наманган кўплаб олимлар, орифлар, фозилларни вояга етказган кўхна диёрдир. Жумладан Аҳмад ал - Фарғоний, шайх ва донишманд Умар Боб Фарғоний, Махдуми Аъзам Косоний, Мавлоно Лутфуллох Чустий, Асуриддин Ахсикатий, фазлий Намангоний, Бобораҳим Машраб, Нодир, Ғозий, Мажзуб Намангоний, Муҳаммад Шариф Сўйфизода, Исҳоқхон Тўра Ибратлар билан Охунд Бин Ҳасан Намангоний, Мулло Муҳаммад Тоҳир Барот ибн усто Намангоний, Мууҳаммад Олим ибн Охунд домулло Муҳаммад Шариф Намангоний, Мулло Мухиддин бил Мулло Ғозихонхожи Намангоний, Муло Худойберди, Мулло Абдуллох бин Мулло Тошфўлод Намангоний шулар жумласидандир.



Музеймизда юқорида номлари санаб ўтилган алломаларнинг ноёб дурдона асарлари мавжуд бўлиб, улардан кенг қамровли аҳолини ва ёшларни буюк маънавият сари юксалишида аҳамияти каттадир. Жумладан, Бурхониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари, Мулла Йўлдош Хилватийнинг хижрий 1328 йилда туркий тилда яратилган “Сайрул жибол-сафарнома”, “Мактаб –чирок” аслари, хижрий 1319 йили ёзилган “Мавлуди Набий” асари, Муқимий, Фурқат, Нодим Намангоний ғазаллари тўпланган баёз, Насафийнинг “Ислом философияси” каби араб имлосида ёзилган китоблар, Мажзуб Намангонийнинг ғазаллар тўплами ва бошқа кўплаб манбалар мавжуд бўлиб, улар ҳозирги вақтда кўз қорачиғидай сақланиб тадқиқ этилмоқда. Жумладан Бурхонуддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари “Тўғри йўл” маъносини билдириб, фикх соҳалари бўйича қўлланма, яъни шариат қўлланмасидир. Бурхонуддин Марғиноний бу асарни 13 йил давомида яратган. Қўлланмани яратишда Қуръон оятларидан, саҳиҳ, ҳадис, ривоятларга таянган. Ҳидоя асари 4жилд, 165 боб, 152 фаслдан иборатдир.

Халқимиз тарихининг энг ёғдули юлдузларидан бири шоир, тарихчи, эркпарвар, маърифатпарвар, тилшунос қуйингчи том маънодаги қомусий олим Исҳоқхон тўра Жунайдулло ўғли Ибратнинг жаҳон халқлари алифбосига бағишланган 2 та “Жомеъ ул хутут”асари инв: 8135, 8146 рақамлар остида сақланаётган бўлиб, китоб хижрий 1330 йили Намангандаги “Исҳоқия” босмахонасида чоп этилган. Китоб номи араб имлосининг куфий ва настаълиқ хатларида ёзилган. Китоб муқаддимасида Исҳоқхон Ибрат дастлаб яртгувчи ягона Аллохга ҳамд айтиб, сўнгра Аллох инсонни барча нарсадан гўзал ва олий сифат қилиб яратгани, ҳамда дастлабки ёзувни вужудга келиши ҳақида маълумотлар бериш билан бошлайди. Бу асарларда энг ибтидоиси пиктографик ёзувлардан то сўнгги даврлар энг мукаммал ёзувларгача босиб ўтган ёзувлар тарихини ёритиб берган. Ушбу хатлар мажмуасида қадимий финикия, яхудий, сурёний, юнон, славян, санскрит, лотин, арман, грузин ва бошқа бир катор ёзувлар



билан бирга араб хатининг сулс, тақеъ, райхоний, зулф, хумоюн, турра каби шакиллари хақида ҳам кимматли маълумотлар берилган.

Муаллифнинг жаҳон ёзувлари тарихига бағишланган мазкур “Жомеъул хутут” асарининг нашр этилиши ўзбек матбаачилик маданияти хақида, ёзувлар тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Шоир Мулла Йўлдош Хилватий эса биринчи бўлиб, “Мавлуди Набий”асарини араб тилидан туркий тилга ўгириб, бизга мерос қилиб қолдирган. Бундан ташқари музейимизда кўплаб ноёб қўлёзма асарлар ҳам сақланиб, улардан бири:шеърият мулкининг султони Мир Алишер Навоийнинг бутун дунёга машхур бўлган “Ҳамса” асарининг ноёб қўлёзма кўчирмасидир. Ушбу китоб хижрий 1273,милодий 1853 йили Андижонлик хаттот Мулло Тошмуҳаммад ибн Мулло Каримбобо томонидан настълиқ хатида қайта кўчирилган. Асар музейнинг ноёб экспонатларидан бири бўлиб, 1978 йили 5831инвентар рақами билан қабул қилинган. Қўлёзма гўзал нақшли муқовага эга, у ботиқ ва бўртма ҳолатдаги ромбсимон гуллар билан безатилган. Муқоваси қалин қизғиш тусли чармдан, орасига эса қалин картон қуйиб тайёрланган. Асар туркий тилда юпқа Самарқанд қоғозига устунча шаклида қизил ва кўк рангли ҳошиялар ичига, қора ва қизил туш билан ёзилган. Китоб 311 вароқ, 622 саҳифадан иборат. Қўлёзма 53х31см ўлчамига эга.

Юқорида санаб ўтилган асарлар ва бошқа китоблар ҳам нафақат ўз даврининг, балки ҳозирги кун ва келажакда ҳам барча учун катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бебаҳо дурдоналардир. Аждодларимиздан қолган бундай ноёб китоблар биз учун олтин мерос ҳисобланиб, ушбу меросни асраб- авайлаб уни келажак авлодга етказиш ҳар бир иймон-эътиқодли кишиларнинг инсоний бурчидир. Бу борада кутубхоналар қаторида муейларнинг ўрни бекиёсдир. Бу ҳақда Ҳазрат Навоийнинг “Назм-ул Жавоҳир” асаридаги:

Саъй айлаки ҳифзи ганжига етгайсен,

Йўқ улки, саъй ила кутиб жамъ этгайсен.

мисраларини эслаш ўринлидир. Яъни, саъй-ҳаракат қилиб хазина-ганж, бойлик йиғинки, бу хазина ҳеч бўлмаганда сендан кейингиларга олим бўлишларида нафи тегади дея таъкидламоқда. Бу мисрада хазина деб китоб йиғиш, жамлаш назарда тутилгандир.

Дарҳақиқат, биринчи Президентимиз И.Каримов ўзининг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида таъкидлаб ўтгандек: “...Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадимиз биздан олдинги давларда яшаб ўтган улуг зотларнинг ҳаёт йўли ва қолдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намоёндалари тимсолида маърифат, илму фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида ўйғунлаштирган ҳалқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришдан иборатдир. Бундай ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маъно – мазмунини ҳалқимизга ва айниқса фарзандларимизга етказиш масаласи барчамиз, биринчи галда, зиёлиларимиз, бутун жамоатчилигимиз учун ҳам фарз ҳам қарз бўлиши шарт деб ҳисоблайман...”

Маълумки, бирон-бир ҳалқ маънавиятига хос қадриятларнинг бошқа ҳалқлар томонидан тан олинishi, табиийки, ана шу ҳалқ тарихига нисбатан чуқур ҳурмат ифодасидир. Бундай эътироф ҳалқнинг ғурур ва ифтихорини, миллий ўзлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.





Алишер Навоийнинг “Хамса” асари, қўлёзма, ҳижрий 1273 йили
Андижонлик хаттот Мулло Тошмуҳаммад ибн мулла Карим бобо
томонидан насъталиқ хатида кўчирилган.

№ 5831



Алишер Навоийнинг “Хамса” асари, қўлёзма, ҳижрий 1273 йили
Андижонлик хаттот Мулло Тошмуҳаммад ибн мулла Карим бобо
томонидан насъталиқ хатида кўчирилган.

№ 5831





Насафий “Ислом фалсафаси” аниқроғи
“Тасаввурот ва тасаддуқот” асари қўлёзма,
араб тилида битилган XIX асрнинг иккинчи ярми
№ 14460



Насафий “Ислом фалсафаси” аниқроғи
“Тасаввурот ва тасаддуқот” асари қўлёзма,
араб тилида битилган XIX асрнинг иккинчи ярми
№ 14460





Исҳоқхон тўра Жунайдулло ўғли Ибратнинг

“Жомеъ ул-хутут” асари, ҳижрий 1330 йил (мелодий 1912 йил)

Намангандаги “Исҳоқия” бомахонасида чоп этилган.

№ 8146, 8135




Исҳоқхон тўра Жунайдулло ўғли Ибратнинг

“Жомеъ ул-хутут” асари, ҳижрий 1330 йил (мелодий 1912 йил)

Намангандаги “Исҳоқия” бомахонасида чоп этилган.

№ 8135





Исҳоқхон тўра Жунайдулло ўғли Ибратнинг

“Жомеъ ул-хутут” асари, ҳижрий 1330 йил (мелодий 1912 йил)

Намангандаги “Исҳоқия” бомахонасида чоп этилган.

№ 8146, 8135




Исҳоқхон тўра Жунайдулло ўғли Ибратнинг

“Жомеъ ул-хутут” асари, ҳижрий 1330 йил (мелодий 1912 йил)

Намангандаги “Исҳоқия” бомахонасида чоп этилган.

№ 8146, 8135





Исҳоқхон тўра Жунайдулло ўғли Ибратнинг
“Жомеъ ул-хутут” асари, ҳижрий 1330 йил (мелодий 1912 йил)
Намангандаги “Исҳоқия” бомахонасида чоп этилган.

№ 8135



Исҳоқхон тўра Жунайдулло ўғли Ибратнинг
“Жомеъ ул-хутут” асари, ҳижрий 1330 йил (мелодий 1912 йил)
Намангандаги “Исҳоқия” бомахонасида чоп этилган.

№ 8146, 8135

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. 2т.-Т.; «Санъат» 2001,
2. Қурбанова Й. Амалий санъат буюмларига бадиий ишлов беришда турли ранглардан фойдаланиш. БМИ. Тошкент – 2014, .
3. Садикова Н. Ўзбек миллий кийимлари: XIX–XX асрлар.
4. Маликова С.С. Тасвирий санъат тарихи. – Т., 2008.
6. Абдуллаев Н.У. Санъат тарихи. – Т.: «Ўқитувчи»